



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 4 июнь,
№46 (1013)

КҮРИК-ТАНЛОВ

Маҳорат ва тажрибада илғорлар сараланди

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашишда юртимиздаги 9767 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида фаолият юритаётган 8548 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг алоҳида ўрни бор.

Уларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди (шаҳар) бўлинмалари бош мутахассисларининг услубий-амалий жиҳатдан ёрдамлашиб келаётгани тизимда амалга оширилаётган ишларнинг таъсирчанлиги ва самардорлигини оширмоқда. Шу боис жорий йилги кўрик-танловнинг вилоят bosқичларида маслаҳатчилар билан бир қаторда, кўп йиллардан бери Фонд тизимида фаолияти, ташаббускорлиги билан ибрат бўлаётган, энг муҳими, маслаҳатчиларнинг яқин кўмакчисига айланган бўлинма бош мутахассислари ҳам тақдирланмоқда.

Тошкент шаҳридаги муҳташам «Туркистон» саройи байрамона безатилган: маҳалла ҳаётини ифодалаган шаролар, ранг-боранг гуллар, турфа шарлар «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловига юқори савияда тайёргарлик кўрилганининг амалдаги ифодасидир.

Танловнинг саралаш bosқичларида энг юқори балл тўплаган 11

нафар маслаҳатчи орасидан би-лимли, маҳоратли ва фидойиларни аниқлаш ҳакамлар ҳайъати аъзолари учун осон бўлмади.

Танловнинг биринчи шартига кўра, иштирокчиларнинг ҳужжатлари ҳамда фаолиятига доир кўрсаткичлари, эришган ютуқлари қонунийлик, ошқоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди.

Иккинчи шарт бўйича маслаҳатчилар иш фаолиятига оид 5 дақиқали тақдиротларни слайдлар орқали намойиш этишган бўлишса, учинчи шартда ўз фаолиятларига тааллуқли савол-жавоблар орқали тизимга оид ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, тўй-ҳашам ва маросимларни ихчамлаштириш, шунингдек, маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг олдини олиш, бартараф этиш жараёнини кенг очиб беришди.

> [2]

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН



Мавсум мароқли ўтади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, фуқароларга муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган.

■ **Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»**

Бўрода, айниқса, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш иқтисодий жиҳатдан

тобора юқсалиб бораётган давлатимизнинг ўстувор йўналишларидан бирига айланди.

Ушбу хайрли ишларни амалга оширишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда фуқаролар йиғинларига ҳам мосулиятли вазифалар ишониб топширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 майдаги «2014 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 85-сонли йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳудудий бўлимларга юборилди.

> [2]

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Битирувчига иш жойи ва имтиёзли кредит нақд



Бухоро педагогика касб-хунар коллежи битирувчиси Шаҳноза Комилова-нинг иш ўрни тайин. Битирув имтиҳонларини топшириб, дипломини қўлга олгач, шаҳардаги 19-сонли мактабгача таълим муассасасида иш бошлайди.

> [2]

■ **Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»**

— Янги иш жойимга мослашиб, жамоага киришиб кетишимдан ташвишланаётганим йўқ, — дейди Шаҳноза. — Негаки, мен бу ерда бир йил довомда амалиёт ўтадим. Бўлажак ҳамкасбларимдан «Устоз-шогирд» ани-анаси асосида иш ўргандим.

Айтиш жоизки, бугун вилоятда Шаҳноза сингари коллеж битирувчилари кизиқиш ва қобилиятлари доирасида ўрганган мутахассисликлари бўйича «Коллеж — корхона» ҳамкорлигида уч томонлама шартнома асосида ўзи ишга жойлашадиган корхонада амалиёт ўтаб, ўқини битирган, шу ерда иш билан таъминланмоқда.

«МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

Амалий кўмак интилишга куч беради

Маҳалла — жамиятнинг муҳим таянчи, халқимиз аҳиллигини таъминловчи ноёб ва самарали институт сифатида дунё аҳли томонидан кенг эътироф этилаётир. Мазкур институтнинг янада фаоллашиши ва ваколатларининг кенгайишида янги тахирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни муҳим bosқични бошлаб берди.

■ **О. БОЙМҲИНОВ**

Хусусан, қонуннинг 17-моддасига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида табдиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи «Маслаҳат маркази» ташкил этилиши белгиланганки, бу маҳаллада табдиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъмин-

лаш, халқ фаровонлигини оширишга доир саяй-ҳаракатларни янада кучайтиришга хизмат қилаётир. Пойтахтимизнинг Олмазор тумани Ғани Аъзамов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Маслаҳат маркази» табдиркорлар, айниқса, ушбу соҳада ўз фаолиятини бошлаш истигоидида фуқароларга яқиндан кўмак кўрсатаётир.

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Намунавий низом асосидаги фаолият намунали бўлиши керак

Андижон вилоятининг Асака туманидаги 73 та маҳалла фуқаролар йиғинида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги тахирдаги қонун талабларидан келиб чиқиб, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари ишлаб турибди. Улар ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сонли қарори билан тасдиқланган Намунавий низомлар асосида олиб борапти.



■ **Абдулмутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»**

Чунончи, ушбу Намунавий низом тасдиқланиши билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлиминининг ёрдамида барча фуқаролар йиғинларига етказиб берилди. Ўз навбатида, улар ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим йўналишлари бўйича комиссияларнинг низомларини маҳаллий шароитга мослаб ишлаб чиқдилар. Комиссияларнинг иш режалари ҳам шу низомга мувофиқ белгилаб олинди.

Биз икки кун мобайнида тумандаги фуқаролар йиғинлари қошидаги комиссиялар иши билан танишишга ҳаракат қилдик. Таҳлилларга кўра, «Олақанот», «Қурама» маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг Ижтимоий

қўллаб-қувватлаш, Табдиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялари фаолияти яхши йўлга қўйилгани маълум бўлди. Ҳар икки маҳаллада йилнинг ўтган даври мобайнида 12 та дора сўхбати ўтказилган.

«Файзиобод» маҳалласи қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия ҳудудда янги қурилаган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида малакали хизмат кўрсатиш қоидаларига амал қилишини изчил кузатиб бормоқда.

Тумандаги «Қоратеп», «Лабгардон» маҳаллаларида Яраштириш комиссиясининг обрў-эътибори баланд. Шу боис аҳоли ҳудудда бирор-бир низо пайдо бўлса, дарҳол Яраштириш комиссиясига муурожаат қилишади. Май

ойининг ўзида ана шу икки маҳаллада 5 та оила ўртасидаги келишмовчилик тинч йўл билан бартараф этилди. Комиссиялар ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзи, миллий ва маънавий қадриятларимиз тарғиботи ҳам жиддий эътибор бераётир.

Асакаликлар «Дўстлик» маҳалласини ҳунармандчилик ривожланган маскан, дейишади. Биз бунинг сабабини айнан маҳалла қошидаги Табдиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиянинг ташаббускорлигига ййидик. Негаки, комиссия шу йил мобайнида чеварлик билан шўғулланмоқчи бўлган 12 нафар аёлга имтиёзли кредит ажратилишига муваффақ бўлди.

> [2]

МАҲАЛЛАМИЗ
ИФТИХОРИЛАРИ

«Янгиобод»да спортчи ва спортсевар оилалар кўп

Ўсиб келаётган ёш авлодни спортга жалб этишининг афзал жиҳатлари кўп: бола соғлом ўсиши билан бирга, маънан етук, фикри теран бўлиб камол топади.

■ **Илҳом ЖҲҲАЕВ.**

Шу боис мамлакатимизда, хусусан, таълим муассасалари, спорт мажмуалари ҳамда маҳаллаларда ёшларни спортга йўналтириш учун барча шароитлар яратилган.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласида спортчи ва спортсевар оилалар талайгина. Бугун Рамзиддин ва Рустам Жумоевлар, Дилшод ва Нодир Ҳасановлар, Нодир Абдусоатов, Комрон Қоҳрамонов ҳамда Жўрабек Каримов каби ёшлар спортнинг эркин кураш, каратэ, сузиш ва теннис турлари бўйича ҳудудий, республика ва бошқа турли нуфузли мусобақалар қолиблари сифатида маҳалла аҳлининг фахрига айланган. Бундан ташқари, 18 нафар ёшдан иборат маҳалланинг футбол жамоаси эришаётган ютуқлар ҳам эътиборга лойиқ.

> [4]

«САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ»

Ҳар бир хонадон тиббий кўрик хизматида

— Икки кундан буён белимда санчиқ пайдо бўлган. Кечқурунлари оғриқ кучайиб, ухломмай чиқяман. Шифокорга бораё десам, кимга учрашишни билмай бошим қотган.

■ **Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»**



— Туманимиз маҳаллаларида «Саломатлик ҳафталиги» ўтказилапти, деб эшитдим. Қўшни маҳалла идорасида барчани кўриқдан ўтказишяпти. Бугун-эрта бизнинг маҳаллага ҳам навбат келиб қолса керак. Овора бўлиб шифохонага бориб юрманг, дўхтирлар келаётган экан, уларга кўринасиз.

Шу пайт Ойсара аянинг нобираси келиб қолди.

— Бувижон, маҳалладаги маслаҳатчи опа бору, ўша киши тайинлаб юбордилар: эртага маҳалламизга дўхтирлар келар экан. Текширтиргани чиқаркони.

Бу гални эшитиб Ойсара ая қўшини-сига қайтдим-ку, дегандек, кўз ташлади. Улар кўни-қўшнларга ҳам хабар қилишиб, эртасига маҳалла идорасига йўл олишди.

> [4]



МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

«Янгиобод»да
спортчи ва
спортсевар
оилалар кўп

< [1]

Ёшлигидан курашларда тобланган Раҳим Жумаев ўғли Рамзиддинни пойтахтимиздаги 31-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб боради. Машғулотларда фарзандининг интилувчанлиги ва шижоатини кўрган ота унинг ёнига укаси Рустамжонни ҳам қўшади. Ҳар сафар мусобақалардан медаллар шодаси билан қайтаётган ака-укага ҳаваси келган қўшнилор ҳам ўз фарзандларини спорт тўғралоқларига беришди.

Айни дамда маҳалладаги аксарият оилаларнинг 400 нафардан ортқ фарзанди ҳудуддаги умумтаълим мактаблари спорт тўғралоқлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қатнайди. Уларнинг кўпчилиги маҳалла маркази ёнида бунёд этилган замонавий сунъий қопламали стадионда футбол машғулотлари билан машғул.

— Спорт одамни чинқиради, бўш вақтига мазмун киритади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Махмуд Юнусбеков. — Қолаверса, вояга етмаганлор ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади. Шу боис бугун каттаю кичикнинг эътиборини ўшбу омилга қаратиб келаямиз. Ўтган йили аҳоли ва фаоллар билан фарзандларимизга футбол стадиони қуриб бериш борасида маслаҳатлашдик. Соҳаватпеша инсонлар, ҳомийлар маблагларини маҳалла марказимиз олдидаги бўш

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН —
СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ»Кейинги босқичга
йўлланма

Нукус туманидаги 11-сонли болалар спорт мажмуасида оилалар ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» спорт мусобақалари ташкил этилди.

■ **Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
«Mahalla»

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва бу борада оилалар фаоллигини оширишга қаратилган мусобақада 9 та маҳалла фуқаролар йиғинининг тўққизта спортчи оиласи ўзaro беллашди. «Тўсиқдан ошиши», «Моҳир ҳужумчи», «Арқон тортиш» шартлари ҳамда шашка бўйича ўтказилган баҳслар қизин тус олди.

Мусобақа якунига кўра, Акманият шаҳарча фуқаролар йиғинида яшовчи Каленовлар оиласи 1-ўринни, Бақаншқил овул фуқаролар йиғинидан Утепбергеновлар оиласи 2-ўринни, Қырантау овул фуқаролар йиғинидан Жиемуратовлар оиласи 3-ўринни кўлга киритди. Ғолиблар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлинмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланб, кейинги босқичда иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлишди.

«САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ»

Ҳар бир хонадон тиббий кўрик хизматида



< [1]

Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ибодат Аҳмедова уларни қарши олиб, кўрик бўлаётган хонага бошлади. Онахонлар бирма-бир шифокорлар кўригидан ўтишди. Ойсара аянинг қон босими кўтарилган экан. Қўшнис Соҳибхоннинг бел қисмида чурра пайдо бўлибди. «Вақтида аниқлангани яхши бўлди, зарур муолажалар ёрдамида тузалиб кетасиз», дейишди. Келини Ҳуррияхон ҳомиладор бўлганлиги учун вилоят она ва бола скрининг маркази шифокорлари томонидан текширилиб, зорур поливитаминлар билан таъминланди. Ҳуллас, маҳалла аҳолисининг ёш қариси малакали шифокорлар текширувидан ўтказилди.

— Маҳалламиздаги 1251 та оиладаги барча хотин-қиз ва вояга етмаган болалар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда, — дейди Қарши шаҳридаги «Маҳаллот» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ибодат Аҳмедова. — Тадбир да-

вомида вилоят саломатлик ва тиббий статистика институти ходимлари билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонга кириб, қаровчиси йўқ, касалманд қариялар, ҳомиладор аёллар, балаот ёшдаги қизларни қайта рўйхатдан ўтказдик. Маҳалла идорасига барча замонавий тиббиёт жиҳозлари ўрнатилди. Турли касалликлар бўйича шифокорлар, психологлар ва бошқа мутахассислар жалб қилинди.

Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурга кўра, маҳаллаларда «Саломатлик ҳафталиги» ўтказилмоқда. Тадбирлар доирасида республика ва вилоят тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари ҳамда Она ва бола скрининг маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳудудий бўлимлари шифокорларидан иборат гуруҳлар маҳаллаларда бўлиб, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Шунингдек, жойлар-

даги оилавий поликлиникаларда «Саломатлик хоналари» ташкил этилиб, режага асосан тадбир ва тиббий кўриқлар йўлга қўйилган.

Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом бўлиб дунёга келишини истайди. Шу боис кўриқлар доирасида ўтказилаётган «Аёлни туғуруққа тайёрлаш», «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари», «Тўйдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти», «Туғуруқлар оралиғини сақлаш» мавзуларидаги маъруза ва суҳбатлар кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

— Суҳбатлар жараёнида соғлом бола туғилишининг муҳим омилларига эътиборни қаратаямиз, — дейди «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари, психолог Замира Маманазарова. — Зурриёдиннинг дунёга соғлом келиши учун, аввало, қиз бола тарбияси ва саломатлиги билан кичиклигиданоқ шугулланиш ҳамда ўз вақтида уни тиббий кўриқдан ўтказиб туриш лозимлиги, шунингдек, эрта турмушининг салбий оқибатлари ота-оналарга алоҳида тушунирилмоқда. Уйлоаймизки, бундай тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини беради.

«Саломатлик ҳафталиги» давомида маҳалладаги ҳомиладор аёллар рўйхатга олинди. Камқонлик ва баъзи экстрагенитал хасталиклар аниқланган 3 нафар ҳомиладор аёлнинг шифохонада ётиб даволаниши учун йўлланма берилди. Шунингдек, текширувда айрим касалликлари аниқланган беморларга ҳам амбулатор ва стационар даволашни тавсия этилди.


— Оилавий поликлиникамизга 8 та маҳалла бириктирилган, — дейди Қарши шаҳридаги 4-сонли оилавий поликлиниканинг «Саломатлик хонаси» шифокори Сайёра Гаёева. — Маҳаллалардаги аҳоли сонига қараб 2-3 нафар шифокор ва 4-5 нафар ҳамшира ажратилган. Ҳафтанинг ҳар бир кунини учун режа ишлаб чиқилган. Душанбада маҳалладаги кексалар билан суҳбатлар олиб борилади, сешанба — ҳомиладор аёллар кунини. Уларнинг саломатлигини назоратга олиш билан бирга ҳомила яхши ривожланиши учун поливитаминлар комплексини истеъмол қилиш, кўкрак сутининг аҳамияти ҳақида тушунча, тавсиялар берилади, поливитаминлар тарқатилади. Чоршанба — болалар ва ўсмирлар, шанба эса таълим муассасаларида тадбирлар ўтказиш кунини. Мактаб маъмурияти ва педагоглар билан келишган ҳолда ёшлар саломатлигини учун долзарб мавзуларда фикр-мулоҳазалар алмашамиз. Пайшанба кунини хонадонларга кириб чиқилади, оиладаги шарт-шароит ўрганилади, тозалик ва озодаликка эътибор қаратилади. Жума кунини эса хотин-қизлар билан алоҳида учрашувлар, дилдан суҳбатлар ташкил этиляпти.

Дорҳақиқат, маҳаллаларда олиб борилаётган «Саломатлик ҳафталиги» тадбирлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш борасида ижобий натижаларни бермоқда.



Янги штат

Ҳиндистон жанубидаги Андхра-Прадеш штати расман икки қисмга бўлинди.




Унинг шимолий ҳудудида мамлакатнинг 29-штати ташкил этилди. Уни Телангана деб аташди.

«BBC News»га кўра, Ҳиндистон ҳукумати бундай қарорга жорий йилнинг февраль ойида келганди. Маҳаллий аҳоли узок вақт минтақани молиялашдаги етишмовчиликлар боис норозилик билдириб келарди. Ҳайдаробод янги штатнинг маъмурий марказига айланган. Андхра-Прадешда янги маъмурий марказ ташкил этилганига қадар маъмур шаҳар ҳар икки штатнинг пойтахти бўлиб қолаверарди.

Батарея ёрдамида илк парвоз

Швейцариянинг қуёш батареяси билан ишловчи «Solar Impulse 2» самолёти ўзининг илк парвозини амалга оширди.



Аппарат қанотларининг узунлиги 72 метр, вазни қарийб 2,3 тонна. Унинг катталиги «Airbus A380» йирик

йўловчи самолёти билан тенг. Аппаратнинг маълум қисми конструкцияни углерод толаси билан таъминлайди. Катта қисми эса унинг двигателни ҳаракатлантирувчи 17 мингтага яқин литий-ион батареяси фотозэлементлари билан қопланган. Учоқ соатида 140 километр тезликда ҳаракатланади.

2015 йилда маъмур самолёт билан икки ҳафта давомида ер юзини айланиб чиқиш режалаштирилмоқда.

Энг саводхон болалар

Келиб чиқиши асли ҳиндистонлик бўлган бир йўла икки нафар бола Америкада ҳар йили ўтказиладиган «Spelling Bee» саводхонлик танловининг ғолибига айланишди.



Мэриленд штатидаги Оксон-Хилл шаҳрида ўтган танловда иштирокчилор қийин сўзларни талаффуз қилиш бўйича беллашдилар.

52 йил ичида илк бор ҳақамалар ягона ғолибни аниқлашга қийналишди. Шу тариқа 13 ёшли теҳаслик Ансун Сўдхо ва нью-йорклик 14 ёшли Шрирам Хатвар танлов ғолиблигини кўлга киритди. Амриқанинг ҳар бирига 33 минг доллардан мукофот берилди.

Финал босқичида ўсмирлар бор-йўғи биттадан хатога йўл қўйиб, 25 та қийин сўзни талаффуз қилишди. 82-морта ўтаётган танловда кетма-кет етти йилдан буён ҳинд болалари ғолиб бўлмоқда.

■ **Интернет материаллари асосида Муниса РАҲИМБЕРДИЕВА тайёрлади.**



ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Тамаки тутунидан туғилган муаммолар

Яқинда радио орқали эфирга узатилган бир хабарда хориждаги кўп қаватли уйлارнинг бирида содир бўлган ёнгин 11 нафар ўт ўчирувчи ёрдамида бартараф этилгани ва унда бир киши ҳалок бўлгани айтилди.

■ **Моҳичеҳра ЛАТИПОВА**
«Mahalla»

Кизиғи, бундай талафот ва инсон умрига зомин бўлган воясида — биргина ўчирилмаган тамаки экани кишини ўйлантиради. Баъзилар ружу кўяётган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари нафакат чекувчининг, балки бошқаларнинг саломатлигига, ҳаётига ҳафв солиши ачинарли...

Мамакатимизда бу иллатлар қарши курашиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш боросида аник ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг соғлиғини, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолининг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий

оқибатлардан ҳимоя қилишга, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилган.

— Юртимизда оилалар, маҳаллалар, таълим муассасаларида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмоли оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли тарғибот ишлари олиб бориляпти, — дейди Республика Саломатлиги ва тиббий статистика институти ташкилий услубий бўлим mudiri, олий тоифали шифокор Мунира Кўчқорова. — Жорий йилнинг чорак якунига кўра, соҳа мутахассислари томонидан 12 та семинар, 7170 та давра суҳбати уюштирилди, 1715 та маъруза ўқилди. Бундай тадбирлар 1917 та умумтаълим мактаби, 4335 та маҳалла фуқаролар йиғини, мингдан ортқ лицей, қолғи ва олийгоҳларни қамраб олди. 31 май — Халқаро чекишга қарши

кураш кунини муносабати билан маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, мактаб ўқитувчилари ҳамда ўқувчи-талабаларга институтимиз томонидан чоп этилган 10 турдан ортқ буклет, рисола ва плакатлар тарқатилди.

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонунда йиғирма ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек, таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам масофада жойлашган савдо объектларида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотилиши таъқирилган. Шу билан бирга, иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, хибобларда ёнғин қиши хавфи бўлган, шу жумладан автомобилларга ёқилиш қийин шохобчалари ва бошқа жамоат жойларида, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди.

Тамаки тутунини таркибиде қарийб 4000 дан ортқ инсон организмига салбий таъсир қўсатувчи захарли моддалар бор. Тадқиқотларда аниқ-

ланишича, тамаки тутунининг 20 фоизи чекаётган одамга, 80 фоизи эса пасив чекувчилар, яъни кашанданинг атрофидаги кишиларга салбий таъсир кўрсатади. Чунки унинг таркибиде рак хасталигини юзга келтирувчи, яъни канцероген таъсирга эга бензоперин моддалари мавжуд. Упка тўқимасига кирган никотин 7 секундда бош мияга етиб бориб, асаб фаолиятига жиддий зарар етказиши, нафас йўллари, ошқозон-ичак тизими ва юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқаради, тишнинг сарғайиб, емирилишига олиб келади.

Бир қарашда нос бошқа тамаки маҳсулотлари сингари зорарсиздек туюлса-да, сигаретдан-да ҳавфлироқ ва унга ўрганиб қолш эҳтимоли анча юқори. Моҳорка ва табакдан (баъзан бошқа зарарли препаратлар ҳам қўшилиди) тайёрланадиган бу маҳсулот онгиз бўшлиғи ва қизилўнғач раки, ошқозон-ичак тракти, тиш касалликлари хасталикларини келтириб чиқаради. Кишилардаги беморлар терапияси бош айланиши, кўз олди қоронғулашиши айнан носта ружу қўйишнинг асоси ратларидир. Бир маротаба отилган нос зарари 1 қўти сигарета етказадиган зарар ўрнини боса олор экан.

Кўриб турганингиздек, чекувчи атрофидаги фарзандлари, оила аъзоларининг саломатлигига путур етказиб, уларнинг онгиде тамаки маҳсулотларини чекиш мумкин экан, деҳшот тушунчани пайдо қилади. Тамакининг саломатликка салбий таъсири ҳақида гапирганда, унинг иқтисодий зарарини ҳам таъкидлаш жоиз. Қўнига бир қўти тамаки чеккан киши бир йилда чекишга тахминан 1 млн. сўмдан кўп пул сарфлар экан.

Нега энди биз ўз соғлиғимизга путур етказадиган бемаъни одат учун шунча пул сарфлашимиз керак? Бу ҳар бир чекувчи одам ўйлаб кўрса арзийдиган муаммо.



Муассис: Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда
0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик
жамияти институтлари билан ишлаш бўлими:
199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46,
Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148



Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиш: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топширилди — 21.⁰⁰



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

Мавсум мароқли ўтади

< [1]

— Унга кўра, республика бўйича маҳаллалардаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг жами 700 нафар фарзандини ёзги оромгоҳларда бепул дам олдириш кўзда тутилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Ҳозиргача эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг рўйхатлари шакллантирилди. Жорий йилнинг 15 март куни ўтказилган умумхалқ хайрия хашаридан тушган маблағлар ҳисобидан 224,0 миллион сўм айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини ёзги оромгоҳларга жалб этиш учун сарфлониши режалаштирилган.

Оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, маданий ва маърифий тадбирлар ташкил этилишига кўмаклашиш мақсадида 203 та стационар, 739 та кундузги оромгоҳга 1015 нафар «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари ва аъзолари, 942 нафар фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар бириктирилди. Улар оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда тегишли ташкилотларга кўмаклашмоқдалар.

— Меҳр-мурувватли, эзгуликни қадрловчи халқимиз, — дейди «Маҳалла» хайрия

КЎРИК-ТАНЛОВ

Маҳорат ва тажрибада илғорлар сараланди



< [1]

Танловда барча шартлар бўйича энг кўп балл тўплаган Чилонзор тумани «Катта Хирмонтепа» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шарофат Абдиева биринчи ўринни кўлга киритди.

— Аҳоли, шу жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалламизда 12 нафар касб-хунар коллеж битирувчисидан 8 нафарини ўз йўналиши бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашдик, — дейди танлов ғолибаси Ш.Абдиева. — Маҳаллада касаначилик ва хунармандчилик бўйича 8 та янги иш ўрни яратилди. Тўрт нафар аёлга тикув машинаси олиб берилиб, 10 та иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам ҳудуддаги 35-сонли оилавий поликлиниканинг малакали ҳамширалари билан изчил ҳамкорлик ўрнатилган.

Иккинчи ўрин Яккасарой тумани «Яккасарой» маҳалласи маслаҳатчиси Моҳира Алмиҳасумовага, учинчи ўрин Шайхонтоҳур тумани «Ўлобод» маҳалласи маслаҳатчиси Раҳбар Усмоновага насиб этди.

Танловда пойтахтимизнинг Бектемир, Чилонзор ҳамда Шайхонтоҳур туманлари бўлиналари бош мутахассисларига Фонд республика бошқарувининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Андажон шаҳри Бобур номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театри яқин орада бу қадар гавжум бўлмаган эди. Театр биноси фойееси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайёрланган кўргазмалар, паннолар, тадбиркорлар, оилавий бизнес соҳибларининг халқ истеъмоли маҳсулотлари билан ўзгача тароват касб этган. Айниқса, бир хил либос кийиб, бир-бирларига омад ва муваффақият тилаётган маслаҳатчиларнинг шодон кайфияти танловга чинакам байрамона руҳ бағишлади.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Битирувчига иш жойи ва имтиёзли кредит нақд

< [1]

— Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори асосида ҳудудда барча иш берувчи корхона-ташкilotлар раҳбарларидан таркиб топган, ишлаб чиқариш ва халқ ҳўжалигининг ҳар бир йўналишини қамраб олган 38 та ишчи гуруҳи тузилган, — дейди вилоят ҳокимлиги етакчи мутахассиси Бобур Абдиев. — Улар касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлайди, ҳар бир корхона-ташкilot кесимида яқин беш йилликда яратиладиган иш ўринларини аниқлайди. Бу эса ўқувчининг коллеж остонасига қадам қўймасиданок танлаган касби бўйича қаерда ишга жойлашиши ҳақида маълумотга эга бўлиб, билим ва хунарни пухта ўзлаштиришга имкон беради. Ана шундай усул орқали жорий йилда 26 минг 666 нафар битирувчини ишга жойлаштириш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилди.

— «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасидаги ишларимиздан бири ҳудуд ёшларини ўзига муносиб касб-хунарга йўналтиришдан иборат, — дейди Бухоро шаҳридаги «Ўлистон» маҳал-

Пахтабод туманидаги «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фаридоҳон Ароббоева қўлчиллигинг дилидан кечаётган фикрни ифодалаб, шундай деди:

— Бугунги тадбир нафақат маслаҳатчилар беллашуви, айна пайтда йилдан-йилга мавқеини мустаҳкамлаб бораётган маҳалла тизими ҳаётимизнинг асосига айланиб бораётганининг, кучли фуқаролик жамияти сори олға қадам ташлаётганимизнинг ёрқин тантанасидир.

Танловнинг туман(шаҳар) босқичларида 131 нафар маслаҳатчи беллашган бўлса, шулардан 17 нафари вилоят босқичига етиб келди. Улар уч йўналиш — ҳужжатлар билан ишлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида олиб бораётган фаолияти тақдими ҳамда тизимга доир формон, қорорлар ҳамда Намунавий низомилар асосида тайёрланган саволларга жавоблар бериш орқали синовдан ўтдилор.

Беллашувлор натижасига кўра, Қўрғонтепа тумани Ибн Сино номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ибодатхон Холиқова биринчи, Жалақудук туманидаги «Бойкечик» маҳалласи вакили Зулфияхон Мамадалиева иккинчи ва Пахтабод туманидаги «Навниҳол» маҳалласи маслаҳатчиси Барчиной Тошмуродова учинчи ўринни кўлга киритди.

Бухоро шаҳридаги вилоят мусикали драма театрида танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида иштирок этган жами 451 нафар маслаҳатчи ўртасидан саралаб олинган 13 та шаҳар ва туман вакиллари ғолиблик учун ўзаро куч синоашиди.

Мусобақа якунига кўра, Қоракўл тумани «Дўрмон» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Саломат Комилова энг юқори балл тўплаб, мусобақа ғолиблиги ҳамда танловнинг республи-

ка босқичи йўлланмасини кўлга киритди. Иккинчи ўрин Бухоро шаҳри Алишер Навоий номидаги маҳалла маслаҳатчиси Раъно Ҳакимовага, учинчи ўрин эса Вобкент тумани «Мирвоши» маҳалласи вакиласи Нигора Қиёмовага насиб этди.

— Низомида белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудудда 20 дан ортиқ маънавий тарғибот тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этдик, — дейди кўрик-танлов ғолибаси С.Комилова. — Натижада учта оилавий ажримнинг олди олинди. Йигин гузари қошида тикувчилик, каштачилик, зардўзлик сингари курсларни ташкил этиб, сўнгги уч йилда 60 нафарга яқин хотин-қизнинг бандлигини таъминладик. Мазкур йўналишдаги ишларимизни давом эттирган ҳолда, маҳаллаларда маънавий-ахлоқий муҳитни қорор топтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, кийиниш маданияти, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш борасидаги ишларимизни янада жадал ривожлантиришда бор куч-ғайратимизни оямаймиз.

Фарғона вилоятида ҳам «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган танловда ғолибларни аниқлаш учун ҳоқамлар ҳойъати аъзолари анча тер тўкишига тўғри келди.

Танлов низомида белгиланган мезонлар асосида 19 нафар иштирокчининг ҳужжатлари ҳамда фаолиятига оид кўрсаткичлари, эришган ютуқлари қонунийлик, ошқоралик, адолат таъминлари асосида баҳоланди. Шунингдек, тизимга оид янги қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, маслаҳатчиларнинг фаолиятига оид ва қундолик ҳаётида учраб турган масалаларга тааллуқли саволларга берган тезкор жавоблари, фикр-мулоҳазалари, дунёқароши, ҳозиржавоблиги ҳам синовдан ўтказилди.

Қизикорли баҳс ва мунозараларга бой ўтган танлов шартларига кўра, умумий ҳисобда энг юқори балл тўплаган Данғара туманидаги Оқжар қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Арзигул Қамбарова ва ғолиб деб топилди, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Иккинчи ўрин Риштон туманидаги «Марказ» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Дилбархон Раҳматуллоевага, учинчи ўрин эса Ўзбекистон туманидаги Қорёзбобо қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Баҳрихон Мухторова ҳамда Қўқон шаҳридаги «Яланғочота» маҳалласи вакиласи Дилбархон Ҳайдаровага насиб этди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг кейинги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритиш билан бирга, диплом ҳамда қимматбох саволларга эга бўлдилор. Шунингдек, фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида 10 йилдан бери самарали фаолият юритиб келётган маслаҳатчилор Фонд республика бошқарувининг фахрий ёрлик ҳамда совғалари билан тақдирландилор.

Танлов, шунингдек, Сўрхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди.

■ Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Намунавий низоми асосидаги фаолият намунали бўлиши керак



< [1]

«Шодлик» маҳалласида бизга йиғиннинг Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия ҳужжатларини тақдим этишди. Бу ерда Намунавий низомидан ташқари, бевосита маҳаллий шарт-шароит этиборга олинган ҳолда, алоҳида низоми ҳам тайёрланибди.

Намунавий низомига таяниб ишлаб чиқилган «Ҳаракат қўлланмаси»да кўпроқ жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларни иш билан таъминлаш, ижтимоий фаол бўлмаган қатлам орасида касаначиликни ривожлантириш, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга ва турли тўғрақларга жалб этиш бўйича алоҳида бандлар кичиритилгани диққатга сазовор.

Намунавий ва маҳаллий низомилар ўртасидаги фарқ масаласида комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиришга жалб қилинган маҳалла масъул қотибларнинг фикрлари билан қизикдик.

«Ганчи юз» маҳалласи масъул қотиби Раъно Турсунова бу ҳақда ўз мулоҳазаларини шундай баён этди:

— Бошқаларга қараганда Яраштириш комиссияси зиммасидаги масъулият кўпроқ деб ўйлайман. Шу боисдан ҳам унга маҳалла раиси Юсуфжон Мамажонов раҳбарлик қилади. Низомида комиссиянинг обрў-этиборини оширадиган яна бир ҳолатни эътиборга олиш керак эди.

Яъни комиссия қарорига бўйсунмаган ёки уни тан олишини хоҳламаган оилаларга чораларни қунайитириш зарурити сезилмоқда. Айрим ҳолларда оилаб бир масала ўрганилади, муҳокама қилинади, тегишли қарор чи-

қарилади, лекин баъзи шахсларнинг ўзарлиги, ўзбошимчилиги туйғайи шунча ҳаракат зое кетади. Ахир, буларнинг барчаси қанчадан-қанча кишилар, комиссия аъзоларининг вақти, билими, меҳнати билан боғлиқ эмасми?

Абу Али ибн Сино номидаги маҳалла масъул қотиби Нафисахон Мирзажонов ва маҳалласида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари қўллаб етиштирилаётгани ва уларни сотишда муаммоларга дуч келинаётгани туйғайи маҳалла қошида Маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспорт қилишга ёрдам кўрсатувчи комиссия ташкил этиш тақлифини билдирди.

«Ўта-оналар университети» фаолиятини жадаллаштиришга ёрдам берадиган таълим йўналишидаги комиссия ташкил этиш бўйича ташаббус билан чиқди.

Шу ўринда айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам борилигидан кўз юммаслик керак. Бу кўпроқ маҳаллаларда Намунавий низомилар билан чекланиб, айрим масалаларни ҳал қилишда меъёрий ҳужжатларга риоя этилмаётгани, бир комиссиянинг қилини иккинчи бир комиссиянинг ўзига хос вазифаларни ҳусусиятлари билан оралаштириб юборилётганда кўринади.

Хуллас, фуқаролар йиғинлари комиссиялар тўғрисидаги Намунавий низомилар мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида маҳалла тизими учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани айна ҳақиқатдир.



